O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO
VILOYATI
TERMIZ TUMAN HOKIMINING

Q A R O R I

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТ

РЕШЕНИЕ

ХОКИМА
ТЕРМЕЗСКОГО РАЙОН
СУРХАНДАРЬИНСКОЙ
ОБЛАСТИ

191200, Uchqizil q, At-Termiziy ko'chasi 1-uy, tel.: 0(376)36-32-200, fax: 0(376)36-32-200

2019 yil "25" сентября 7125-sonli

Термиз туманида мактаб ёшидаги болаларни умумий ўрта таълимга тўлиқ қамраб олиш юзасидан тумандаги умумтаълим муассасаларининг микро ҳудудларини белгилаш тўғрисида

"Таълим тўғрисида"ги Қонунининг 27-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги 140-сонли қарори билан тасдиқланган "Умумий ўрта таълим тўғрисида"ги Низомнинг 39-бандига асосан туманда мактаб ёшидаги болаларни умумий ўрта таълимга қамраб олиш жараёнида умумтаълим муассасаларига бириктирилган ҳудудлар (микроҳудуд)ни аниқ белгилаб олиш мақсадида,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Термиз туманида мактаб ёшидаги болаларни умумий ўрта таълимга тўлиқ қамраб олиш бўйича умумтаълим муассасаларига бириктирилган ҳудудлар (микроҳудуд) рўйхати иловага асосан тасдиқлансин.

2. Туман халқ таълими бўлими (Ў.Ҳақбердиев) ҳамда тумандаги умумтаълим муассасалари раҳбарлари зиммасига мактаб ёшидаги болаларни умумий ўрта таълимга тўлиқ қамраб олиш ҳамда ўқувчиларнинг дарсларга қатнашиш ҳолати юзасидан доимий мониторинг олиб бориш вазифаси юклатилсин.

3. Тумандаги умумтаълим муассасалари раҳбарлари ўзлари раҳбарлик қилаётган муассасага бириктирилган ҳудуддаги мактаб ёшидаги болаларни ўз вақтида умумтаълим муассасасига ўқишга жалб қилиниши учун масъул ҳисобланиши белгилаб қўйилсин.

4. “Маҳалла” хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси (Р.Алиханов)га маҳалла фуқаролар йиғини раисларига мактаб ёшидаги болаларни умумтаълим муассасаларига жалб этиш жараёнида туман халқ таълими бўлими ҳамда умумтаълим муассасаларга амалий ёрдам бериш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарор ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

6. Ушбу қарор расман эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокими ўринбосари С.Нуриев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **Ш.Уринов**

Тайёрлади Б.Худойбердиев